

Айкидо шарқ кураши санъатига қатнайман.

16:03 / 27.04.2016 3826

Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари!

Мен мана 4 йилдирки Айкидо шарқ кураши санъатига қатнайман. Ҳозирда яшил белбоғ (биласизки, уларда сариқ, яшил ва қора белбоғ соҳиблари бўлади) учун имтиҳон топширмақчиман. Аммо мени ўйлантираётган нарса уларнинг бир-бирларига бош эгиб рукуъ каби ҳаракат қилишлари. Ўзимизнинг дарсларда бу ҳаракатни мен қилмайман (тренеримиз тушунадиган одам) аммо ҳозир белбоғ олиш учун бошқа шахарга семинарга кетяпман ва у ерда мана шу ҳаракатни қилмасам белбоғ соҳиби бўла олмаслигим мумкин. Шунинг учун рақиб билан сал бошимни эгиб (ҳатто кўзимни ҳам ерга қаратмасдан) саломлашсам бўладими? Бу инсонга рукуъ қилишга кириб қолмайдими?

Ўтириб қилинадиган машқларда бир-бирларига сажда қиладилар ҳисоб. Бу ҳаракатни ҳам умуман қилмайман. Аммо яқинда айтишдики тиззани ерга қўйиб бир қўлга суяниб саломлашсанг ҳам бўлади деб. Шу шаклдага ҳаракат қилишим Исломига зид бўлмайдими?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Имом Термизий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Бир киши:

«Ё Аллоҳнинг Расули! Биздан бир одам ўз биродари ёки дўстини учратиб қолади. Ўшанда унга инҳиной қиладими?» деди.

«Йўқ», дедилар.

«Уни қучоқлаб, ўпадими?» деди.

«Йўқ», дедилар.

«Қўл ушлашиб кўришадими?» деди.

«Ҳа», дедилар».

Ҳадисдаги «инҳиной» сўзини «эгилиш» деб таржима қилинганидан келин салом берганидаги эгилиши шу ҳадисга биноан мумкин эмас деган хулоса чиқариш мумкин. Аммо эгилиш билан эгилишнинг фарқи бор.

Уламоларимиз бу ҳадисдаги «инҳиной» намоздаги рукуъга ўхшаш эгилиш деганлар.

Фақиҳлар жумҳури: агар бир киши бош-қа одамни Аллоҳни улуғлагандек, улуғлаш нияти ила унга намоздаги рукуъ даражасида эгилиб таъзим қилса, ҳаром ишни қилган бўлади, деганлар.

Аммо Аллоҳни улуғлагандек улуғлаш нияти бўлмаса, қаттиқ макруҳ иш

бўлади.

Одамлар одатланиб қолган саломлашиш вақтида бошни эгиш ва энг оз рукуъ даражасига етмай эгилишда куфр ҳам, ҳаром ҳам йўқ, деганлар. Валлоҳу аълам.